

Олмазор туман хокимияти тадбиркорлик  
субъектларини рўйхатдан ўтказиш  
инспекцияси томонидан 2014 йил 20  
октябрда 1403-рўйхат рақами билан  
рўйхатга олинди

«Ўзстандарт» агентлиги  
бош директорининг 2014 йил 7 октябрдаги  
476-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНДИ

**«“O’zstandart” agentligi Respublika sinov va sertifikatlashtirish markazi»  
davlat korxonasi («RSSM» DK)  
Устави (Янги таҳрири)**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Устав «“O’zstandart” agentligi Respublika sinov va sertifikatlashtirish markazi» davlat korxonasi («RSSM» DK) (кейинчалик «Корхона») асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарликлари, шунингдек асосий ташкилий фаолиятини қуйидагиларга мувофиқ белгилайди.

2. Корхона- давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизда ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир, у ўзига биркитилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, муассиснинг топшириқларига ҳамда эгалик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади.

3. Корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли Қарорига мувофиқ стандартлаштириш, метрология ҳамда маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, уни замонавий халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек халқаро стандартлардан фойдаланиш асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш, ва «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятига оид бошқа халқаро қонун нормалари ҳамда ҳужжатларини амалга ошириш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ташкил қилинган.

4. Корхона ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга амал қилади.

5. Корхонанинг номланиши:

давлат тилида - «“O’zstandart” agentligi Respublika sinov va sertifikatlashtirish markazi» davlat korxonasi, қисқартирилган номи «RSSM» DK;

рус тилида - Государственное предприятие «Республиканский центр испытаний и сертификации агентства “Узстандарт”», қисқартирилган номи ГП «РЦИС»;

инглиз тилида— The State enterprise «Republican center for testing and certification of the “Uzstandart”» agency, қисқартирилган номи «RCTC».

6. Корхонанинг манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100049, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 333 «А».

## II. Корхонанинг ҳуқуқий мақоми

7. «Ўзстандарт» агентлиги Корхонанинг муассиси бўлиб ҳисобланади. «Ўзстандарт» агентлиги ва Корхона ўртасидаги мол-мулк муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат корхоналари тўғрисида»ги Низомга асосланган ҳолда белгиланади.

8. Корхона «Ўзстандарт» агентлиги тизимига киради.

9. Корхона алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг фирма номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга.

Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

10. Корхона муассис розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ тижорат ташкилотлари, шунингдек уларда юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлиши мумкин.

Корхона давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

11. Корхонанинг таркибига 17 ҳудудий таркибий бўлинмалар киради:  
«Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Бекобод синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Жиззах синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Наманган синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Олмалик синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Сирдарё синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;

«Фарғона синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;  
«Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси;

«Кўкон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси.

12. Корхона ўз фаолиятини «Ўзстандарт» агентлигининг бошқа бўлинмалари, аккредитацияланган идоралар ва синов лабораториялари, ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг метрологик хизматларини ўзаро ҳамкорлигида сертификатлаштириш миллий тизими (СМТ), ўлчовлар бирлигини таъминлаш давлат тизими (ЎДТ) билан белгиланган қоидалар, меъёрлар ва тартибларга мувофиқ амалга оширади.

### III. Корхонанинг асосий вазифалари ва функциялари

#### 13. Корхонанинг асосий вазифалари:

истеъмолчини сифатсиз, шу жумладан фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига хавф туғдирувчи, атроф муҳитга зарар етказувчи ўзаро алмашинувчанлик ва мослашувчанлик талабларини ўлчаш услублари ва ёрликлаш қоидалари бирлигини таъминламайдиган маҳсулотлардан ҳимоялаш;

маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштирилишини ташкил этиш ва уни ўтказишда республика стандартлари ва халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларни уйғунлаштириш, сифат тизимларини жорий қилиш ва уларни мувофиқлаштириш;

халқаро бозорда маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигига кўмаклашиш; бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимларини яратишда қатнашиш, шу ҳисобда Сертификатлаштириш Миллий Тизими доирасида ўтказиладиган сертификатлаштириш натижаларини чет элда тан олиниши учун шароитлар яратиш;

маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда ва хизматлар кўрсатадиган идора ва ташкилотларда халқаро стандартлар талаблари асосида сифат тизимларини жорий қилиш;

халқаро стандартлар талаблари асосида сифат тизимини ишлаб чиқиш ва йўналиш бўйича ўқув курсларини ташкиллаштириш, ўтказиш, республика ва халқаро миқёсида семинарлар, конференциялар ташкиллаштириш хизматларини кўрсатиш;

худудий синов ва сертификатлаштириш корхоналарида сифат менеджмент тизими ҳужжатлари асосида ички аудитни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича ўқув курсларини олиб бориш;

худудий синов ва сертификатлаштириш корхоналарининг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни мувофиқлаштириш;

Корхонанинг лабораторияларида синаш тизимини ривожлантириш ҳамда уларнинг Сертификатлаштириш Миллий Тизимида аккредитацияланишига тайёрланишини таъминлаш, айрим функцияларни бажариш учун шартнома тузиш асосида мутахассисларни жалб қилиш;

меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ маҳсулотларни синаш процедураларини такомиллаштириш ва ўтказиш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва синаш масалалари бўйича Корхонанинг кадрлар таркибини доимий, тизимли тайёргарлиги ва малакасини ошириш чорасини таъминлаш;

Сертификатлаштириш Миллий Идораси топшириғи бўйича юридик шахсларнинг сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларини аккредитациялашда қатнашиш;

синаш ва сертификатлаштириш бўйича ишлар жараёнида олинадиган ахборотни сир сақланишини таъминлаш;

синаш ва сертификатлаштириш бўйича ҳужжатлар ва ишчи материалларнинг ҳисоби ва сақланишини таъминлаш;

мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси бўйича юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан камситишларга йўл қўймаслик, тенг ҳуқуқлилик принципи асосида низони ҳал этиш.

14. Асосий вазифаларига мувофиқ Корхона қуйидаги функцияларни амалга оширади:

синаш ва сертификатлаштиришни ташкил этади ва ўтказади, мувофиқлик белгисини қўллаш ҳуқуқини бериш учун келишувларни расмийлаштиради;

сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматлар реестрини юритади, мувофиқлик сертификатларини рўйхатга олади;

«Ўзстандарт» агентлигига тақдим этиш учун синаш ва сертификатлаштириш бўйича ўтказилган ишлар ҳақида ҳисоботларни тайёрлайди;

сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматлар устидан инспекция назоратини ўтказади;

маҳсулотларни сертификатлаштириш ва синаш масалалари бўйича республика корхоналари ва ташкилотларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Корхонанинг таркибига кирувчи сертификатлаштириш идораларнинг ва аккредитацияланган лабораторияларнинг ички аудитини ташкил этади;

сертификатлаштириш ташкил этилганида унинг схемаларини танлайди;

Сертификатлаштириш Миллий Идораси топшириғи бўйича аккредитацияланган сертификатлаштириш идоралари ва лабораторияларининг фаолиятини инспекция назоратидан ўтказишда қатнашади;

Корхонанинг аккредитацияланган лабораторияларида ўлчаш воситаларини ҳисобини олиб боради;

сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиниши ва натижаларини расмийлаштирилиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон ҳудудида реализация қилинадиган истеъмол товарларнинг давлат тилидаги маркиловкаларини тайёрлаш хизматларини кўрсатади;

юкларни ортишдан ва туширишдан аввалги инспекцияни ҳамда импорт контрактлари бўйича республикага олиб кириладиган товарларнинг баҳоси юзасидан экспертиза хизматларини бажаради;

эксперт хулосалар бериш орқали ташқи иқтисодий фаолият товарларни таснифлаш ТИФ ТН бўйича товар кодларини аниқлайди ҳамда маҳсулотларнинг мажбурий сертификатлаштириш рўйхатига кириш ёки кирмаслиги тўғрисида хулосалар расмийлаштиради;

ташқи савдо, техник ва бошқа иш юритиш ҳужжатлар таржимасини амалга оширади;

маркетинг тадқиқотлар ўтказади;

фаолиятига оид адабиётларни нашр этишда ва тарқатишда қатнашади;

форс-мажор ҳолатларни аниқлайди ва эксперт хулосаларини тақдим этади;

меъёрий ҳужжатлар фондини ташкил этиш ва шакллантириш, уни юритиш ва актуаллаштириш ишларида қатнашади, шу жумладан уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлайди, уларга бўлган қўшимчалар

ва ўзгартиришлар лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек халқаро стандартларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда янги ҳужжатларни экспертизасини ўтказиш ва уларни келишиш ишларида қатнашади;

корхона ва ташкилотларга халқаро стандартларга мувофиқ сифат тизимларини жорий этиш бўйича методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

корхона ва ташкилотлар билан биргаликда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати бўйича таклифлар тайёрлайди ва «Ўзстандарт» агентлигига тақдим этади;

ҳужжатларни нусха кўчириш йўли билан кўпайтириш хизматини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширади.

#### IV. Корхонанинг ҳуқуқлари

15. Корхона юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун норматив ҳужжатларига ва ушбу Уставда белгиланган асосий вазифаларга мувофиқ ўз фаолиятининг мазмуни ва аниқ йўналишларини белгилашга;

шартномалар тузиш, банк кредитларидан фойдаланиш, чет эл банкларининг тижорат кредитларини жалб қилиш, амалдаги қонун ва норматив ҳужжатлари билан рухсат этилган ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишга;

Ўзбекистондаги юридик ва жисмоний шахслар, чет эл шериклари билан Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида ўз ваколати доирасида ҳар қандай турдаги (ташқи савдо, кредит) битимлари тузишга;

Корхона ваколатига кирувчи масалаларини ҳал қилиш учун ўз мутахассисларини хизмат сафарига юбориш, бошқа мамлакатлардан ўзининг фаолияти бўйича шерикларини қабул қилишга;

вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, корхоналар, ташкилотлар билан келишилган ҳолда Корхона фаолияти йўналишлари бўйича масалаларни ечиш учун мутахассисларни жалб қилишга;

Корхонага юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, корхоналар, ташкилотлардан маълумотлар ва материаллар олишга;

аккредитациялаш соҳасига мувофиқ, шунингдек Сертификатлаштириш Миллий Идораси топшириғига биноан маҳсулотларни синови ва сертификатлаштириш бўйича ишларни ўтказишга;

Сертификатлаштириш Миллий Идораси билан келишилган ҳолда амалдаги сертификатлаштириш миллий тизим доирасида бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимининг қоидалари, процедуралари ва функцияларини ўзгартириш бўйича таклифлар тайёрлашга;

Корхона лабораторияларида бажарилмайдиган айрим синовларни ўтказиш учун шартнома асосида аккредитацияланган лабораторияларни жалб қилишга;

Корхонанинг лабораториялари ва метрологик бўлимларини замонавий ўлчов ва синов воситалари билан жиҳозлаш бўйича «Ўзстандарт» агентлигига таклиф киритишга.

## **V. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

16. «Ўзстандарт» агентлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Корхона фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилашга;

Корхона Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга;

Корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатишга;

Корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлашга;

Корхона мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга;

Корхонанинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва уларни тасарруф этишга;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига Корхонани хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфидан чиқариш бўйича таклифлар киритишга;

Корхонага етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Корхона раҳбарига нисбатан даъво тақдим этишга.

17. «Ўзстандарт» агентлиги қуйидагиларга мажбур:

Корхона раҳбарини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг билан меҳнат шартномаси тузишга;

Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Корхонанинг Устав фондини унга давлат мулкни тезкорлик билан бошқариш учун бериш йўли билан шакллантиришга;

ҳар йили Корхонанинг бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чоракда Корхона раҳбаридан унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини эшитишга;

бозор қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошадиган мол-мулкни ушбу Уставнинг 23-бандига мувофиқ мулкни тасарруф этиш учун Корхона раҳбарига рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли равишда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишишга;

Корхонага берилган давлат мулкidan мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилишга.

## VI. Корхона директорининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

18. Корхона директори якка ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланади. Директор корхона олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, корхона номидан битишувларни белгиланган тартибда амалга оширади, ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

Корхона ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорлари директор томонидан муассис билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Директор «Ўзстандарт» агентлиги олдида корхона Уставида белгиланган тартибда корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

19. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Корхона манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Корхонага берилган давлат мулки йўқолган тақдирда, Корхонага етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

## VII. Корхонанинг устав фонди, мол-мулки ва маблағлари

20. Корхона фаолиятини амалга ошириш учун «Ўзстандарт» агентлиги томонидан 173 031 447, 41 (бир юз етмиз уч миллион ўттиз бир минг тўрт юз қирқ етти сўм 41 тийин) миқдорда Корхонанинг устав фонди шакллантирилади.

21. «Ўзстандарт» агентлиги Корхонанинг Устав фондини, уни шакллантириш манбаларини белгилайди.

22. Корхонанинг Устав фонди «Ўзстандарт» агентлиги, Корхонанинг буйруқлари асосида бериладиган давлат мулки, айланма маблағ ва бошқа бойликлари ҳисобидан шаклланади.

23. Корхона мулки:

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан давлат корхонасига тезкор бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

Корхонанинг ўз фаолиятидан олинган мулклари қонун ҳужжатларга зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Корхона мулкининг қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттирилади.

24. Корхона мулкини тасарруф этиш куйидаги ҳолларда Корхона директори томонидан «Ўзстандарт» агентлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида кўшиш;  
хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;  
хўжалик жамиятларидаги Корхонага тегишли акциялар (улушлар)ни  
сотиш;

мулкни Корхона фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

Бунда бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотиш Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотишдан тушган маблағлар, уларни сотиб олиш манбаларидан қатъи назар, давлат мулкни хусусийлаштиришдан олинган маблағлар тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тақсимланади.

25. Корхона резерв (суғурта) ва бошқа жамғармалар очиши мумкин, бу жамғармалар Корхона тасарруфида қолаётган соф фойда ҳисобига йиғилади.

26. Ўтган йилдаги ишлатилмаган маблағлар кейинги йилга ўтказилади ва уни олиб қўйилишига йўл қўйилмайди.

27. Корхона жамғарилган пул маблағларига моддий-таъминот бойликларини сотиб олишни, уни тақсимлашни ўрнатилган тартибда амалга оширади.

28. Хўжалик фаолияти натижасида барча солиқлар ва йиғимлар тўлангандан сўнг олинган соф фойда, қонунчиликда белгиланган тартибда Корхонанинг мулки ҳисобланади.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли қарорига биноан «Ўзстандарт» агентлиги ҳузурида ташкил этилган стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармасини шакллантириш мақсадида Корхона ҳар ойнинг 10 кунига қадар ялпи фойдасидан 20 фоиз миқдорда пул маблағларини ўтказиб беради.

### **VIII. Корхонанинг фойдаси ва унинг тақсимоти**

30. Корхонанинг хўжалик фаолияти юритишда асосий молиявий кўрсаткичлар натижалари бўйича олинган фойдаларидан иборат бўлади.

31. Сертификатлаштириш ишлари ва хизматларининг барча турларини ҳамда қонун ва норматив ҳужжатлари билан тақиқланмаган ўзга фаолият турларини кўрсатиш бўйича миллий ва эркин айирбошланган валютада олинган маблағлар Корхонанинг даромад манбалари ҳисобланади.

32. Хўжалик фаолияти натижасида барча солиқлар ва йиғимлар тўлангандан сўнг олинган соф фойда, қонунчиликда белгиланган тартибда Корхонанинг мулки ҳисобланади.

33. Тақсимланмаган фойда қуйидагиларга ишлатилиши мумкин:  
устав фондиди кўпайтиришга;



резерв капиталини яратиш ва тўлдиришга;  
ўтган йилларда кўрилган зарарларни тўлашга;  
«Ўзстандарт» агентлиги қарорига кўра бошқа мақсадларга.

### **IX. Корхона ҳисоботини юритиш ва унинг фаолиятини назорат қилиш**

34. Корхона ўз фаолияти натижаларининг оператив ва бухгалтер ҳисоб-китобини олиб боради, шунингдек қонунчиликда ўрнатилган тартибда статистик ҳисоботни юритади.

35. Корхона давлат органларига ўрнатилган тартибда ўзини молиявий-хўжалик натижалари тўғрисида керакли маълумотларни ҳамда қонунчиликка асосан унга тегишли ҳисоботни топширади.

36. Корхона «Ўзстандарт» агентлигига керакли оператив маълумотларни ва ҳисоботларни топширади.

37. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни, ўз ваколатлари доирасида ўрнатилган тартибда солиқ органлари, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда четдан таклиф қилинган аудиторлик хизматлари амалга оширади.

38. «Ўзстандарт» агентлиги ўз ташаббусига кўра Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини икки йилда кўпи билан бир мартаба текшириши мумкин.

39. Теширув ва ревизияларнинг барча турлари Корхонанинг нормал ишлашини бузмаслиги керак.

### **X. Кадрлар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий таъминот**

40. Корхона фақат унумли меҳнат учун шароитлар яратади, меҳнат ҳақидаги қонунчиликка, меҳнат муҳофазаси қоида ва нормаларига, хавфсизлик техникасига, ишлаб чиқариш санитариясига, давлат ижтимоий суғуртасига, жамоа шартномасига, ички меҳнат тартиби Қоидаларига риоя этилишини таъминлайди.

41. Директор Корхона номидан ходимларни меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилади.

42. Корхона ходимларининг меҳнатига иш ҳақи тўлаш корхона штат жадвали бўйича ягона тариф сеткасига асосан ҳар бир лавозим бўйича ўрнатилган разрядлар билан белгиланади.

43. Корхона ходимларининг меҳнатлари учун иш ҳақи тўлаш, мукофотлаш, устама ҳақ, компенсация тўловларини тўлаш, моддий ёрдам бериш жамоа шартномасига ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ва Корхона раҳбари томонидан тасдиқланган Низомларга асосан амалга оширилади.

44. Ижтимоий ривожланиш, шу жумладан меҳнат жамоа аъзолари ва уларнинг оилаларини ҳаёти ва соғлиғи, меҳнат шароитларини яхшилаш Корхона маъмурияти иштирокида меҳнат жамоаси билан ҳал этилади.

## **XI. Корхонанинг жавобгарлиги**

45. Корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис корхона мулки етарли бўлмаганда давлат корхонаси мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

46. Корхона муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

## **XII. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш**

47. Корхона муассис қарорига кўра, тегишли равишда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

48. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш жараёнида ишдан бўшатилаётган ходимларга амалдаги қонун нормаларига мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя этилишига кафолат берилади.

49. Корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган «Ўзстандарт» агентлиги ёки ҳўжалик суди тугатиш тартиби ва муддатларини белгилайди. Бу тугатиш муддати эълон қилинган кундан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

50. Корхона давлат рўйхати реестридан чиқариб юборилган пайтдан бошлаб қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳисобланади.

Директор

подпись Шукуров Жасур Нигматович